

ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДА БОШҚАРИШ ВА РЕЖАЛАШТИРИШ УСУЛЛАРИ

Розиқов Д.А.

РШТЁИМ Фарғона филиали

Фавқулодда ҳолатлар юзага келганда, вазиятни тўғри баҳолаш, бажарилиши лозим бўлган ишларни режалаштириш ва уларни бошқариш муҳим аҳамиятга эга. Фавқулодда вазиятлар юзага келганда бажариладиган ишларни режалаштириш ва амалга оширишда асосий принцип (тамоил)лар услубиёт жиҳатидан жуда муҳим ўрин тутди. Ушбу масалаларга амалий жиҳатдан услубий ёндашув илмий асосланган, қарорларни янада оқилона ва ишончли қабул қилиш ва ортиқча вақтни бой бермасдан, уларни амалга ошириш имкониятларининг самарадорлиги кўрсатиб берилган.

Фавқулодда вазиятлар юзага келганда бажариладиган ишларни режалаштириш ва амалга оширишда асосий принцип (тамоил)лар услубиёт жиҳатидан жуда муҳим ўрин тутди. Илмий назарияда таъкидланадики, принцип (лотин. принципиум-асос, бошланғич нуқта)-бу бирор нарса ва ходисаларга нисбатан дунёқараш, эътиқод, ҳисобланади; бирорта назариянинг дастлабки қонун-қоидалари, фавқулодда вазиятларда бошқаришга қўлланилганда, бизга улар орқали хатти-ҳаракат, ҳуқ-атвор ва фаолият жараёнларидаги йўналишларни белгилайдиган асосий қонун-қоидалар, бошқарувчи меъёрларни тушуниш имконини беради.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ Экстремал вазиятларнинг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек, бу ҳолда юзага келадиган вазифаларнинг аҳамияти ва қўлами, қуйидаги асосий принцип (тамоил)ларга риоя қилиш зарурлигини талаб қилади:

- бошқарувни марказлаштириш;
- тезкорлик;
- буйруқ ва қарорларни сўзсиз бажаришлик, муддат ва манзилнинг аниқлиги;
- таъминланганлик;
- комплекс (бутланган)лилик;
- илмийлик.

Экстремал (фавқулодда) ҳодисаларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича ишларни ташкил этишнинг асосий принципи бошқарувни марказлаштириш тамоилидир. У объектив-зарурий характерга эга, чунки кенг қўламли



фавқулдда вазиятлар юзага келганда, уларнинг оқибатларини бартараф этишда қоида тариқасида, турли идоравий бўйсуниларга эга бўлган тузилмалар иштирок этади, шунинг учун ягона бошқарув органининг мавжудлиги уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш учун зарур шартдир. Экстремал ҳодисалар муайян географик манзил(чегара)га эга бўлиши ва фавқулдда вазиятларни бартараф этиш ишларида биринчи навбатда маҳаллий ташкилотлар иштирок этиши сабабли, тиклаш ишларининг барча мажмуасини бошқариш ва амалга оширилиши масъулиятини ҳудудий бошқарув органлари ўз зиммасига олиши керак. Шу боис, кенг қўламли табиий офатлар, авариялар, бахтсиз ҳодисалар ёки фалокатлар юз берганда фавқулдда вазиятларда давлат бошқарувининг асосий органи сифатида фақат республика, вилоятлар, туманлар, шаҳарларнинг фавқулдда вазиятлар комиссиялари, локал (маҳаллий) ҳолатларда эса ташкилотлар, концернлар ва ассоциациялар, уюшмалар ва бошқа объектларнинг фавқулдда вазиятлар бўйича комиссиялари зарурий вазифаларни бажариши мумкин. Фавқулдда вазият(ҳолат)лар (экстремал ҳодисалар)нинг оқибатларини бартараф этиш ва хусусан, фавқулдда вазиятларда тиклаш ишларининг мажмуасини амалга оширишнинг навбатдаги асосий принципи тезкорлик тезкорлиқдир.

Фавқулдда вазият пайтида юзага келадиган шароитлар бизни зудлик билан зарар кўрган аҳолини қутқариш ва уларга ёрдам бериш, таъсир омилларини локализация қилиш (маҳаллийлаштириб чегаралаш) ва фавқулдда ҳодисалар оқибатларини бартараф этиш бўйича ишларни бошлашга мажбур қилади. Шунинг учун ҳам фавқулдда вазият юзага келиш пайтида ҳам, кун далик фаолиятда ҳам барча бошқарув қарорлари охир-оқибат минтақанинг исталган ҳудудида экстремал ҳодиса (фавқулдда вазият)ларнинг содир бўлишига зудлик билан жавоб беришни таъминлаши керак. Шу билан бирга, шошилинч қутқарув операцияларини ташкил этиш уларнинг иложи борида тезроқ бажарилишини таъминлаши керак, бу ҳар қандай шароитда, куннинг исталган вақтида, типовой (намунали) конструкциялардан максимал даражада фойдаланган ҳолда, жойида энг мақсадга мувофиқ техник ечимларни қабул қилишни талаб қилади. Катта халқ хўжалиги объектларида фавқулдда вазият юзага келганда, биринчи навбатда, асосий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни тиклаш керак. Бунда кўпинча талафот кўрган аҳолининг ҳаёти ва соғлиғи, шунингдек экстремал ҳодисадан кўрилган комплекс иқтисодий зарарнинг миқдори тиклаш чора-тадбирларининг бажарилиш суръатига боғлиқ бўлади. Фавқулдда вазиятларда иш олиб боришда тегишли фавқулдда комиссиялар



томонидан қабул қилинган қарорларнинг директивлиги, яъни буйруқ ва қарорларни сўзсиз бажаришлик, муддат ва манзилнинг аниқлиги принцип(тамоил)ига риоя қилишга катта аҳамият берилади. Бу тамоил, биринчи навбатда, ғавқулдда вазиятларни бартараф этиш ишлари билан шуғулланувчи корхона, ташкилот ва муассасалар томонидан бошқарув органларининг барча қарорлари ва режалаштирилган вазифаларини қатъий белгиланган муддатда бажариш мажбуриятини назарда тутди. Турли корхоналар ва махсус тузилмаларнинг вазифалари ва мажбуриятларини фарқлаш учун ушбу қарорлар ва режалар ҳам мақсадга мувофиқ бўлиши керак, яъни улар аниқ ижрочиларга топширилиши керак. Ҳар бир ижрочининг шахсий жавобгарлиги юқори ижро интизомининг ишончли қафолати ва ғавқулдда вазиятларда бошқарув органларининг буйруқларига амал қилиш мажбуриятига айланиши керак. Фақат шу асосда барча бўйсунувчи ташкилотларнинг экстремал шароитларда мувофиқлаштирилган ва мувозанатли ҳаракатларига эришиш мумкин, бу юқорида айтиб ўтилганидек, ўзининг таърифи бўйича олдиндан мавжуд бўлган алоқаларнинг бузилиши ва ўзгариши билан ажралиб туради. Зарар кўрган аҳолини қутқариш ва уларга ёрдам кўрсатиш шунингдек, вайрон бўлган объектларни тиклаш катта миқдордаги махсус техника, материаллар, ёқилғи, ишчилар ва мутахассисларни талаб қилади. Шу муносабат билан экстремал вазиятларни бартараф этиш бўйича ишларни режали тартибга солишда режалаштирилган ечимларни барча зарур ресурслар билан таъминлангнлик принцип(тамоил)и муҳим рол ўйнайди. Одатда, ғавқулдда ҳодисаларнинг оқибатларини бартараф этишда, ғавқулдда вазият содир бўлган жойга яқин жойда жойлашган корхоналарнинг ва агар керак бўлса, бошқа минтақалардан ҳам деярли барча маблағлари ва воситалари тиклаш ишларини амалга оширишга жалб қилинади.

Шунга ўхшаш, ижобий мисол сифатида, бизнинг фикримизча, Припять ва унинг атрофидаги ҳудудларда Чернобил ҳалокати оқибатларини тугатишнинг дастлабки кунларида 400 дан ортиқ тиббиёт ва 200 тиббий дозиметрик гуруҳ, 1800 шифокор ва 2500 ўрта тиббиёт ходимлари, тиббиёт институтларининг 1500 нафар бакалавриат талабалари юборилганлигини таъкидлаш мумкин. Бу нурланишдан таъсирланган аҳолининг ярим миллионга яқинини текширишга, шунингдек, озиқ-овқат, сув, атроф-муҳитни радиоактив ифлосланишини аниқлаш учун деярли 3 миллион таҳлилни ўтказишга имкон берди. Бунда зарарни тиклаш учун мавжуд маблағлар етишмаганда, етишмаётган ресурслар



юқори органлар маблағларидан ажратилади, хорижий давлатлар томонидан кўрсатиладиган ёрдамлардан ҳам фойдаланилади. Қайта тиклаш ишларини барча зарурий ресурс(манба)лар билан таъминлаш зарурати, баъзи ҳолларда, ҳатто янги корхоналарни яратишга олиб келади.

Чернобилнинг худди шу бир жойида дарёларнинг нурланиш зонасида жойлашган қирғоқларини тиклаш бўйича ишларни бажариш учун учта бетон заводи махсус қурилган бўлиб, уларнинг ҳар бири қувват жиҳатидан ўртача гидроэлектр станциясини қуришни таъминлаши мумкин еди. Миллий иқтисодий комплекснинг турли жиҳатларига таъсир кўрсатадиган табиий офатлар, бахтсиз ҳодисалар ва фалокатлар салбий оқибатларни бартараф этишга комплекс ёндашувни талаб қилади, шунинг учун тиклаш ишларини режалаштиришда комплекс(бутланган)лилик принципи муҳим таъминот ҳисобланади. Унинг мазмуни кўп қиррали бўлиб, экстремал вазиятнинг барча босқичларини ва уларга мос келувчи бошқарув босқичлари, даражалари ва турларини оператив(махаллий)дан стратегик (миллий ва халқаро)гача қамраб олишни назарда тутди. Шу билан бирга, турли ҳудудлар ўртасида(горизонтал тарзда)ги ҳаракатларни мувофиқлаштириш, шу жумладан табиий ҳодисалар, бахтсиз ҳодисалар ва фалокатларнинг оғир оқибатларини бартараф этишда халқаро ёрдам ва уларни бошқариш тизимининг бўйсунувчи алоқалари (вертикал тарздаги) ўртасида интеграция қилиш талабларига риоя қилиш керак. Ушбу принцип(тамоил)ни амалга оширишнинг бошқа томони-фавқулудда вазиятда тиклаш ишлари ва хўжалик иқтисодий фаолиятини бошқариш ва режалаштиришда барча жиҳатларини ҳисобга олиш заруратидир. Шундай қилиб, саноат ва ижтимоий объектларни қутқариш ва тиклаш ишларини амалга ошириш билан бир қаторда, бу ерда юк ташиш ва электр таъминоти, автомобил ва темир йўлларни, электр узатиш линиялари ва коммуникацияларини реконструкция қилиш катта рол ўйнаши керак. Электр энергияси билан таъминлаш ва барча инфратузилма элементларининг нормал ишлаши тиклаш ишларини самарали амалга оширишнинг муҳим шарти эканлиги сабабли ушбу вазифаларни ҳал этиш алоҳида долзарб масаладир. Шундай қилиб, Спитак zilзиласидан кейин биринчи кунларда қутқариш ва тиклаш ишларини ташкил этиш темир йўлнинг вайрон бўлганлиги туфайли анча кечикди. Автомобил йўллари улар бўйлаб ҳаракатланадиган транспорт ҳажмига дош беролмади ва қутқарув ва бошқа ускуналар билан тикилиб қолди.



Буларнинг барчаси темир йўлни тиклаш учун махсус муҳим кучларни ажратишни талаб қилди ва фақат 10 кундан кейин темир йўл ишга туширилиши билан 27 минг вагон асбоб-ускуналар, озиқ-овқат ва доридармон билан фалокат жойларига олиб кетилди, вазият тўғриланди. Фавқулудда вазиятларни ташкил этиш ва режалаштириш комплекс(бутланган)лилик принципи мураккаблигининг навбатдаги жиҳати кутқарув, тиббий ва қурилиш бўлинмаларини, шунингдек, Давлат Фавқулудда вазиятлар хизмати таркибига кирадиган барча бошқа тузилмалар ва хизматларни мувофиқлаштиришдир. Бундан ташқари, фавқулудда вазиятларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича ишларни режалаштириш, қоида тариқасида, нафақат етказилган зарарни бартараф этиш билан чекланиб қолмасдан, балки фавқулудда вазиятларнинг пайдо бўлишининг бошида уларнинг олдини олиш, локализация қилиш ва бартараф этиш бўйича ишларни режалаштиришни ўз ичига олади (тўғонларни ювилишини бартараф этиш, қўшимча қирғоқларни қуриш ва бошқалар.). Экстремал шароитларда иш олиб боришни ташкил этиш ва режалаштиришнинг яна бир муҳим принцип(тамоил)и – бу олимларнинг тавсияларини ҳисобга олган ҳолда таъсирланган объектлар ва ҳудудларни тиклашни иложи борица батафсил ўрганишдан иборат бўлган илмий ёндашув принцип(тамоил)идир. Бироқ, амалда бу принцип кўпинча эътиборсиз қолдирилади. Масалан, 1982 йил 9 апрелда содир бўлган Шар-Шар довони (Тожикистон Республикаси)дан 1 миллион тонна массага эга бўлган катта кўчки йўлга силжиганидан сўнг, ушбу табиий офатнинг такрорланишининг олдини олиш тўғрисида савол туғилди. Геология бўлими ва "Тожикигипротрансстрой" институти мутахассисларининг кўчки массивини босқичма-босқич тушириш ва очик нишабга дарахт экиш йўли билан тупроқни янада сурилишини олдини олиш бўйича тавсияларига зид равишда, кўчкини пастдан йўл билан четлаб ўтиш варианты кўриб чиқилди. Ушбу лойиҳа реал натижаларга эриша олмади, чунки йиллар давомида кўчкилар у ерга етиб борарди, аммо лойиҳа қўллаб-қувватланди ва қурилиш бошланди. 1982-86 йиллар давомида ушбу объектда 3,5 млн.рубл (1984 йилда нархларда) капитал қўйилмалар ўзлаштирилди, аммо кейинчалик қурилиш тўхтади ва муаммо очик қолди, қурилиш даврида эса, 1985 йилда кўчки яна ўзини еслатди Рогун шаҳри (Тожикистон Республикаси) қурилиши пайтида, олимларнинг огоҳлантиришларига зид равишда, туз қатлами бўлган жой танланди. Ушбу ҳудудда канализация дренажининг кўпайиши билан турар – жой бинолари қурилганидан 5 йил ўтгач, тупроқ ерда чуқурликлар



шакллана бошлади ва баъзи баланд бинолар оғиб, қулаб тушди. 80-йилларнинг бошларида атроф–муҳит муҳофазаси бўйича олимларнинг огоҳлантиришларига қарамай, Сибир дарёларини Марказий Осиёга йўналтириш лойиҳаси фаол амалга оширилди. Бу тайгадаги ерларнинг анча муҳим майдонларини қуриши билан боғлиқ экологик фалокатга олиб келди. Афсуски, шунга ўхшаш мисоллар жуда кўп.

ХУЛОСА: Юқорида кўриб ўтилган принцип(тамоил)ларнинг мажмуаси Фавқулудда вазиятларни локализациялаш (махаллийлаб чегаралаш) ва бартараф этиш режаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш услубларини асослаш заруратини белгилайди. Илмий адабиётларда бундай услубиётларнинг бутун мажмуаси бўлиб, уларнинг ҳар қайсиси Фавқулудда Вазиятларда бошқариш тизимидаги турли босқичларда ва турли масалаларни ечишда қўлланилиши мумкин. Фавқулудда ҳолатлар юзага келганда, вазиятни тўғри баҳолаш, режалаштириш ва бошқариш муҳим аҳамиятга эга. Бу мақолада ушбу услубий ёндашув амалий жиҳатдан илмий асосланган қарорларни янада оқилона ва ишончли қабул қилиш ва ортиқча вақтни бой бермасдан, уларни амалга ошириш имкониятлари кўрсатиб берилган.

Адабиётлар:

1. Вакарёв А.А. Принципы управления в чрезвычайных ситуациях в период реструктуризации // Актуальные проблемы реструктуризации российских предприятий: Сборник материалов Всероссийской научно-практической конференции. – Пенза, 2002. - с. 34
2. Щербак Ю. Чернобыль. М.: Советский писатель. 1991 – с 135
3. Бецков А.Н., Тагиров З.И. Системы управления в чрезвычайной обстановке: международный опыт и возможности его использования в России и в государствах-членах евразийского экономического союза // Проблемы безопасности и чрезвычайных ситуаций. 2017. № 6. С. 3-13.
4. Мишин В.М. Исследование систем управления: Учебник для вузов. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2003 - с. 113

